

Одамлар бошига бир замон келадики, ... | Сийрат дарслари (343-дарс)



19:00 / 29.08.2025 1667

734. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар бошига бир замон келадики, унда қотил нима учун қатл қилганини ва мақтул нима учун қатл қилинганини англамайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

735. Ҳузайфа розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Одамлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан яхшилик ҳақида сўрашар эди. Мен ўзимга етиб қолмасин деб хавфсираб, ёмонлик ҳақида сўрар эдим. Шунда у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз

жоҳилиятда ва ёмонликда эдик. Шунда Аллоҳ бизга ушбу яхшиликни келтирди. Ушбу яхшиликдан кейин ёмонлик борми?» дедим. **«Ҳа»**, дедилар. «Ўша ёмонликдан кейин яна яхшилик борми?» дедим. **«Ҳа. Унинг тутуни ҳам бор»**, дедилар. «Унинг тутуни нимадир?» дедим. **«Ҳидоятсиз йўл бошлайдиган қавмдир. Улардан (баъзи нарсаларни) ёқтирасан ва (баъзи нарсаларни) инкор қиласан»**, дедилар. «Ўша яхшиликдан кейин ёмонлик борми?» дедим. **«Ҳа, жаҳаннам эшигида турган даъватчилар. Уларга ким ижобат қилса, унинг ичига отишади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, уларни бизга сифатлаб беринг», дедим. **«Улар ўзимизнинг қавмдандир, ўзимизнинг тилимизда гапиришади»**, дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишимга буюрасиз?» дедим. **«Мусулмонлар жамоасини ва уларнинг имомини лозим тутасан»**, дедилар. «Агар уларнинг жамоаси ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?!» дедим. **«Агар дарахтнинг томирини тишлаб бўлса ҳам ўша фирқаларнинг баридан четда бўл! Сенга ўлим келганда ҳам ўшал ҳолда бўлишга ҳаракат қил!»** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

736. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Иблис тахтини сувнинг устига ўрнатади. Сўнгра гуруҳларини юборади. Энг катта фитна чиқарувчиси унга мартабаси энг яқини бўлади. Улардан бири келиб: «Уни қилдим, буни қилдим», дейди. «Ҳеч нарса қилмадинг!» дейди у. Сўнгра улардан бири келиб: «Хотини билан орасини бузмагунимча уни тарк қилмадим», дейди. Шунда уни ўзига яқинлаштириб: «Сен қандай ҳам яхшисан!» дейди. Аъмаш айтди: «Менимча, «Шунда уни қучоқлайди», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.

737. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас. Ким бизни алдаса, биздан эмас».**

Муслим ривоят қилган.

738. Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким мутаассибликка чақирган ёки мутаассибликка ёрдам берган ҳолида залолат байроғи остида қатл қилинса, жоҳилият қатли билан қатл қилинган бўлади».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.